МАҒРИБУ МАШРИҚ
INTERNATIONAL LIFE

ТАСДИҚ

# "ҚОНУНИЙ" НАЗОРАТ

Туркманистон Президенти Сапармурод Ниёзов республикада яшаётган чет элликларнинг хатти-ҳаракатини назорат қилиш учун махсус Қўшма Кенгаш ташкил қилиниши ҳақидаги қарорни тасдиқлади. Кузатувчиларнинг фикрича, Ниёзов бундай қарор билан ўзининг ташқи дунёдан бутунлай яккаланиш сиёсатини ниҳоясига етказиш томон яна бир қадам ташлади. Евроосиё тадқиқот маркази ҳамкори Николай Митрохиннинг таъкидлашича, Туркманистондаги хорижликлар бу сиёсат оқибатларидан эҳтиёт бўлишлари керак. Рейтер Ахборот агентлигининг билдиришича, Туркманистон миллий хавфсизлик қўмитаси, ички ва ташқи ишлар вазирликлари томонидан биргаликда бошқариладиган бу кенгаш мамлакатга келаётган ва бу ерда вақтинча яшаётган чет элликларнинг фаолиятларини яқиндан кузатади.

"Аслида янгилик эмас. Туркманистон давлати чет элликлар ва ўз фуқароларининг фаолиятларини узоқ йиллардан бери назорат қилиб келмоқда", дейилади "Озодлик" радиоси хабарида. Бу ҳолат энди фақат расмий тус олди, холос. 6 июль куни Ашхободда Президент Ниёзов Хитой Президенти Цзян Цзэмин билан учрашганда: "Биз Туркманистонда демократик жамият қурамиз, аммо бу кўрсатмасиз ва Марказий Осиё менталитетига хос бўлади", — деди.

Туркманистон давлати 90-йиллар ўртасидан бери четдан келган барча хат-хабарларни ва телефон қўнғироқларини назорат қилмоқда, дейилади манбаларда. Ҳаттоки, ташқи дунёдан бевосита хабардор бўлиш имконияти деярли мавжуд эмас. Яқинда ҳукумат Интернет хизмати кўрсатувчи барча мустақил ташкилотларнинг лицензияларини қайта кўриб чиқди. Оқибатда эркин маълумот алмашиш имконсиз бўлиб қолди. Туркманистонда чет элликлар фаолиятларини кузатувчи кенгаш кўплаб мақсадлар учун, жумладан, чет эл дипломатлари ва сайёҳларнинг фаолиятларини назорат қилишда фойдаланилади.

1998-1999 йилларда Туркманистон расмийлари кўплаб чет элликларни, шу жумладан, россиялик журналистлар ва инсон ҳуқуқлари фаолларини мамлакатдан чиқариб юборди. Бундан ташқари жорий йил бошида Эроннинг 300 нафар фуқаросини яширин диний фаолият кўрсатаётганда айблаб, депортация қилиш билан таҳдид этди.

Шарҳловчиларнинг фикрича, тузилажак кенгаш МДҲ фуқаролари, хусусан русийзабон аҳолининг фаолиятларини ҳам назорат қилади. Афғонистондан ноқонуний эмиграциялар оқими, наркотиклар ва қуроллар контрабандасини тўхтатиш, чет элликлар фаолиятларини очиқдан очиқ назорат қилишда Туркманистон учун ягона қонуний сабаб бўлиши мумкин. Аммо бу компания ҳақиқий жиноятга қарши кураш эмас, балки давлат тарафидан содир қилинаётган суиистеъмолликларни халқаро диққат-эътибордан узоқ сақлашга қаратилган кўринади, деб хабар беради "Озодлик" радиоси.

ХИЗМАТ

# "ЧИПТАНГИЗ БОРМИ, МАРҲАМАТ!"

Халқаро авиаташувчилар ассоциацияси (IATA) дунёдаги авиакомпанияларнинг ўтган йилги фаолиятини ўрганиб чиқди. IATA натижаларига кўра, 1999 йилда халқаро йўналишларда энг кўп йўловчи — 30,3 миллион киши — British Airways (Буюк Британия) авиакомпанияси хазматидан фойдаланган. Германиянинг Lufthansa авиакомпанияси 27,3 миллион йўловчи ташиш билан иккинчи, Франциянинг Air France авиакомпанияси 20,7 миллион йўловчи ташиб, учинчи ўринларни банд этган. Французлардан кейинги ўринлар Американинг American Airlines авиакомпанияси (17,4 миллион) ва Голландиянинг KLM авиакомпанияси(15,3 миллион)га насиб этган.

Океанортига қатновчи ички ва халқаро йўналишларда йўловчи ташиш бўйича олдинги олтита ўриннинг ҳаммасини америкаликлар эгаллаган. Айниқса, Delta бу борада етакчиликни ўзида сақлаб қолган. IATA рейтингига қараганда Delta — 105 миллион, United Airlines — 87 миллион, American Airlines — 81,5 миллион, Northwest Airlines — 57,5 миллион, US Airways — 55,8 миллион ва Continental — 43,9 миллион йўловчига хизмат кўрсатган.

Ички ва халқаро йўналишларда америкаликлардан сўнг қуйидаги давлатларнинг авиакомпаниялари туради: Японияниг All Nipon Airlines авиакомпанияси ўтган йилда 42,7 миллион, Германиянинг Lufthansa авиакомпанияси 42,1 миллионта, Франциянинг Air France авиакомпанияси 37 миллион ва ниҳоят Буюк Британиянинг British Airways авиакомпанияси 36,6 миллион йўловчига хизмат кўрсатган.

IATA рейтингида таъкидланишича, иқтисодий вазиятга кўра у ёки бу минтақада авиахизмат кўрсатишда ўзгаришлар мавжуд. Масалан, инқироздан сўнг иқтисоди яна авж билан кўтарилаётган Осиё давлатлари йўловчилари 1999 йилда халқаро йўналиш бўйича икки йил олдингига қараганда 9,6 фоизга кўпайган. Ёки Шимолий ва Жанубий Америка ўртасида йўловчилар оқими 1998 йилдагига қараганда 12,7 фоизга қисқарган.

Хулоса шуки, самолётда учавериш ҳам унча-мунча кишининг иши эмас. Чўнтак кўтарадими, иқтисодинг зўрми, марҳамат! Истасанг — Америка, истасанг — Осиё, истасанг — Европа!

Шароитинг ҳаминқадарми, унда саёҳату тижоратни орзу қилмаганинг, уйдан чиқмасдан ширин хаёлларга берилиб ўтираверганинг маъқулроқ.

**"Иностранец"дан олинди**

ЭЪТИРОФ

# ЛОНДОНДА ЎЗБЕКЧА ҚЎШИҚ

Ўзбек санъаткорларининг чет элларга чиқиб, юксак маҳорат билан санъат шайдоларини катта-катта концерт залларида ром қилиши одат тусига кириб қолди. Буюк Британия пойтахти Лондоннинг ўзида концертлар зўр муваффақият билан ўтганини тилга олиш мумкин. Лекин ўзбек санъаткорларини нафақат расмий концертларда, балки қўшиқ шайдоларини турли маросимларда хушнуд қилиш ҳам бир қатор одатга айланиб қолди.

Муножот Йўлчиева ва Шавкат Мирзаевларнинг ўз ансамбллари билан сўнгги бор Лондонга келиши ҳам нафақат муҳташам "Эллизабет-холл"-даги концерт билан чегараланди, бу сафар ўзбек санъаткорлари Лондон мактабларининг бирида ўқувчилар учун хайрия концерти беришди.

Ўша куни Лондон чеккасидаги оддий мактаб аҳли жуда ҳаяжонда эди. Мактаб директори саҳнани ўзи тайёрлаган, ўқитувчилар ва ўқувчиларга Ўзбекистон ҳақида билганларини айтаётган, ўқувчилар уст-бошини қоқиб, тозалаб, антиқа бир маросимга ҳозирлик кўришган эди. Соат 11 ларда Ўзбекистон элчихонасининг машинаси артистларни олиб келди-ю, концерт бошланиб кетди.

Аввалига болаларга Ўзбекистон ҳақида, ўзбек мусиқаси ҳақида икки оғиз сўз айтилди. Сўнг ўзбек чолғулари инглиз чолғуларининг қай бирларига ўхшаши топишмоқ бўлиб кетди. Ниҳоят, Муножот Йўлчиева куйлай бошлади. Ҳеч қачон бу каби садоларни эшитмаган болакайлар оғизларини очганларича маҳлиё бўлиб ўтиришди.

Бола ҳар қаерда ҳам боладир. Уларнинг беғубор кўнгиллари чиройга очиқ. Ашула чиройи-ю Муножотнинг сарвқомати, унинг устидаги атлас-у елкасидан тушган қирқ кокил болаларни мафтун қилиб қўйди. Улар телевизорда кўрган мультфильмларидан "Оловиддиннинг сеҳрли чироғи"ни эслай бошладилар. Мактаб мудираси, Буюк Британиянинг хизмат кўрсатган ўқитувчиларидан бири П.Жонс хоним бу маросимнинг тарбиявий аҳамиятини таъкидлаб: "Бу каби антиқа маросимлар болаларнинг кўнглига дунё кенглиги турли маданиятлардан иборат эканлигини солади, улар турлича гўзаллик ва назокат борлигига ўрганишади, дунёда бағрикенглик нимани англатишини тушунишади", — деди.



Концерт тугаса-да, болаларнинг ҳаяжонли ғовур-ғувури узоқ давом этди. Болалар уйларига тарқаб кетар эканлар, ота-оналарига: "Ўзбекистон деган мўъжизавий юртдан мўъжизавий бир малика келганини ва уларга ширин-ширин ашулалар айтгани"ни завқ билан сўзлаб кетишди.

**"БИ-БИ-СИ" дан олинди**

ТАВАЛЛУД

# "ЭНГ ХАВФЛИ..." ВА ЭНГ ОҚИЛА АЁЛ

**Айни кунларда Буюк Британияда "Она қиролича"нинг юз ёшга тўлиши нишонланмоқда. "Она қиролича" Елизавета II нинг волидаи муҳтарамасидир.**

У қирол Георг VI нинг рафиқаси эди. Шунинг учун ҳам унинг номи "Она қиролича" деб аталади.

Британия қироличасининг оила аъзолари Лондондаги черковларнинг бирида "Она қиролича"га бағишланган махсус маросимга йиғилдилар. Бу маросим унинг тўртинчи августда юз ёшга тўлишини нишонлаш мақсадида режалаштирилган уч оммавий тадбирдан биридир. Қиролича ҳар хил йиғилишу меҳмондорчиликларни ёқтирадиган, от пойгаси ва енгил спиртли ичимликларни хуш кўрадиган, хуллас, ҳаёт ноз-неъматлари билан лаззатланиб умр кечирадиган инсон сифатида кўпчиликка танилган.

— Қиролича сайёрамиздаги энг ёқимли аёл. У бизга худди онамиздек бўлиб қолган, — дейди бир лондонлик жаноб.

Бошқа бир кишининг фикрича, қиролича ўз ёшига нисбатан анча ёш кўринар, у ҳали ҳам жуда фаол аёл экан.

Леди Елизавета 1900 йил шотландиялик оқсуяклар оиласида туғилган. Имтиёзга тўла ва осойишталикда ўтган ёшлик йилларидан сўнг, у 1923 йили герцог, шаҳзода Альбертга турмушга чиқади. У қиролнинг иккинчи ўғлига турмушга чиқаркан, эҳтимол у ўзини қироличага хос мавқе ва ташвишдан холи бўлади, деб ўйлаб оддий ҳаёт кечиришни кутган эди. Бироқ 1936 йили қирол Эдуард VIII нинг тахтдан воз кечиши билан боғлиқ инқирознинг юзага келиши уни кутилмаган лавозимга кўтарилишига сабаб бўлади, Елизаветанинг қайнағаси қирол Эдуард VIII америкалик бир жувонга кўнгил қўяди. Лекин бу жувоннинг қиролича бўлишга нолойиқ деб топилиши сабабли Эдуард унга уйланиш учун тахтдан воз кечишга мажбур бўлади. Натижада Елизаветанинг ёш умр йўлдоши шаҳзода Альберт Георг VI номи билан тахтга ўтиради. Агар қиролича, унинг муҳаббати ва садоқати бўлмаганида Георг VI қиролликни эплай олмаган бўларди. Чунки бунинг учун унда етарлича куч-ғайрат бўлмаган. Агарда бу ишни эплай олмаганда қирол сулоласи таназзулга юз тутган бўларди. Қиролликни бекор қилиш тўғрисидаги фикрлар авжга чиққан бир пайтда Елизавета омманинг қирол оиласига бўлган ишончини қайта тиклай олди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида "Она қиролича" Британиядаги омма қадриятларини белгиловчи сиймога айланди.

Германия самолётлари Лондонни бомбардимон қиларкан, "Она қиролича" ва унинг фарзандлари Лондонни тарк этишни истамадилар. Уларга Канадага вақтинчалик кетиш таклиф қилинган эди. "Менинг фарзандларим менсиз кета олмайди, мен эса қиролсиз кета олмайман, қирол эса ҳеч қачон кетмайди", деб айтган сўзлари кўпчиликни ҳайратга солганди. Қироличадаги Британия қадриятларига ижобий таъсир кўрсатиш қобилияти унга Адольф Гитлер томонидан "Европадаги энг хавфли аёл" дея баҳо беришга сабаб бўлганди. "Она қиролича"-нинг ўзи саноқли берган интервьюларининг бирида ҳатто қирол оиласи ҳам уруш йилларида бомба ҳужумларидан зарар кўрганини айтган. "Биз бир маҳал яқинлашаётган самолёт овозини эшитиб қолдик. Лекин бу тўғрисида ҳеч қандай огоҳлантириш берилмаганди. Шундан сўнг ғалати овозни эшитдик. Биринчи бомба биздан унча узоқда бўлмаган масофада портлади. Биз бу портлашни кузатарканмиз, сув фаввораси ердан ҳавога кўтарилди. Бомбанинг сув қувурларига шикаст етказиши натижасида боғимиз жирканч каламушларга тўлиб кетди", — деган эди қиролича.

1952 йили қирол Георг VI тўсатдан вафот этади. Ва унинг ўрнига қизи, ҳозирги қиролича Елизавета II тахтга ўтиради. "Она қиролича"нинг монарх волидаси сифатида қилган ҳаракатлари унга кўпдан-кўп мақтовлар олиб келди.

**Шарофиддин ТЎЛАГАНОВ тайёрлади**

ТАДБИР

# СОВҒАЛАР ТОПШИРИЛДИ

Республика байналмилал маданият маркази куни кеча



яна бир тантананинг гувоҳи бўлди. Ўзбек халқининг ардоқли санъаткорлари Ғуломжон Ёқубов, Насиба Абдуллаева билан бирга қўшиқ ва рақс санъати сир-асрорларини тинмай ўрганиб, катта саҳнага яхши ниятлар билан қадам қўйиб келаётган ёш хонанда, созанда, раққосалар дасталари ўзларининг ранг-баранг чиқишларини намойиш этдилар. Дарвоқе, бу катта концерт Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси Матбуот шўъбаси томонидан уюштирилган "Миср — 8 минг йиллик маданият бешиги" номи остида ўтган мусобақа ғолиблари шарафига уюштирилган бўлиб, мусобақа шартларига кўра 6 та биринчи ғолиб Мисрга бепул саёҳат йўлланмасини қўлга киритди, яна бир қанча ғолиблар қимматбаҳо электр ва радио анжомлари ҳамда эсдалик совғалари соҳиблари бўлишди.

Кечада сўзга чиққан Миср элчихонасининг Матбуот шўъбаси раиси, маслаҳатчи Раъфат Ас-Сабъа йиғилганларни ҳамда мусобақа ғолибларини қизғин қутлади.

Кечада қатнашган Мисрнинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси доктор Мамдуҳ Шавқий ўз сўзида мусобақа материалларини ёритишда фаол иштирок этган маҳаллий оммавий ахборот воситалари ҳамда мусобақа қатнашчиларига совға ва мукофотлар ажратган Мисрнинг маълумотлар давлат хизмати, МДҲ мамлакатлари билан техникавий ҳамкорлик Миср жамғармаси, Мисрда сайёҳликни ривожлантириш давлат хизмати каби ташкилотларига ўз миннатдорчилигини билдирди.

Кечада Ўзбекистон-Миср дўстлик жамиятининг раиси, профессор Неъматулло Иброҳимов қатнашди ва сўзга чиқди. Унда, шунингдек, қатор мамлакатларнинг Ўзбекистондаги элчилари ва уларнинг оила аъзолари ҳам иштирок этди.



ФИДОЙИ

# ИХЛОС

## "Ҳуррият"нинг сариосиёлик ҳур мухбири, 38 ёшли Камолиддин Мингбоев талаба бўлмоқчи



Орзуга айб йўқ. Содда, далли-ғулли ҳур мухбиримиз Камолиддин Мингбоев талаба бўлишни орзу қилибдими — омадини берсин. Шундоқ ҳам ўн икки йилдирки, омад деганлари садоқатли мухлисимиздан юз ўгириб келмоқда.

Ўн икки йил...

Лабингизни чўччайтирманг, биродар, шу ёшда талаба бўлишга бало борми, деб. Дипломни пўпанак бостириб, ўзини савдога урган ёки ўша савил бир парча қоғозга эга бўлиб, аммо икки сатр нарса ёзиш қўлидан келмайдиган журналист озми? Гарчи қўлида "журналист" деган шаҳодати йўқ бўлса-да, олис вилоятнинг овлоқ гўшасида ҳаминқадар кун кечиришига қарамасдан ўнлаб чақирим пиёда йўл босиб, туманнинг ка-атта идорасига кундалик газета ўқиш илинжида келадиган К.Мингбоев бунақа олифталардан беҳроқ эмасми? Гарчи ёзганлари мундайроқ, кўтараётган мавзуси кўпам диққатга молик бўлмаса-да, биз назарга илмайдиган кичкина иллат унинг кўнглига таъсир этиб, қоғоз қоралашга мажбур этар экан, нима учун Камолиддин Мингбоевни "журналист" демаслигимиз керак?

Камолиддин Мингбоевнинг энг катта ютуғи — жуда самимий ва шу боиски, ёзган кичик-кичик мақолаларида сунъийлик йўқ!

Камолиддин Мингбоев — камтар ва ҳалол. Шунинг учун ҳам садақа мисоли берилган чойчақа эвазига айрим амалдорларни мақтаб мақола ёзмайди!

Яхши сўз — жон озиғи. Гоҳо таҳририятдаги асаббузарлик, машаққат-ла чиқарган газетангиз хусусида эшитиладиган даккилардан ва ё нашрингиз тарқалиши ўта муаммо бўлган бугунги кунда қўлимизга бир парча қоғоз тушади: "Газетани ўқидим, яхши, фалон мақола зўр чиқибди, илойим чарчаманглар..." Бундай ошириброқ, лекин самимий оҳангда битилган мактубдан кўнглингиз тоғдай кўтариладики, унинг муаллифи биз учун қадрдон, садоқатли муаллифимиз Камолиддин Мингбоев бўлади!

Бир сафар йўлимиз тушиб, Сурхондарёда бўлгандик. Ўшанда маҳаллий матбуот раҳбарларидан бири андек иддао ва писанда ила гапиргандики, Камолиддиннинг мен чиқармаган мақолаларини фақат "Ҳуррият" чиқаради, деб.

Майли, Камолиддин Мингбоев ёзганлари кимгадир ғарибдек туюлар, бироқ биз — "Ҳуррият"чилар учун қадрли. Олис вилоятнинг кичкинагина туманида яшаб, бизнинг манзилга икки энлик мактуб ёзибдими, демак, у — "Ҳуррият"нинг дўсти, ҳур фикрнинг дўсти! Бундай мактублар, мақолаларга саҳифамиздан жой бермасликка бизнинг маънавий ҳаққимиз йўқ!

Шунинг учун ҳам биз Камолиддиннинг "25 йиллик жамоатчи мухбир стажига эгаман" деган гапидан кулмаймиз, қуллуқ қиламизки, Сиздай садоқатли жамоатчилар кўпайсин, оға!

"Танишимни излаб, Сирғалига боргандим, уйида йўқ экан, қаёққа боришимни билмай тунни "дом"ни айланиш билан ўтказдим..." Бу гапларни ҳам К.Мингбоев пешонасини тириштириб эмас, қандайдир қувонч билан айтади. Қувончки, у Тошкентга ўқишга келган, талаба бўлиш орзусида келган, ҳар куни идорамизда таниқли журналистлар билан "қўл бериб" кўришаётганидан боши осмонда!

Камолиддин Мингбоевда қитмирлик йўқ, ҳатто пайпоқ олишга ҳам оғринади — ҳамён ҳаминқадар. Аммо унда жунун бор, матбуотга, касбга, матбуотчига садоқат...

Унинг шундай фазилатлари "Камолиддин Мингбоев — журналист!" дея баралла айтишимизга асос бўлмайдими? Шундай мухлисимизни, муаллифимизни нима учун "Камолиддин Мингбоев "Ҳуррият"нинг ҳур мухбири" демаслигимиз керак?!

... Мадад кучлари қўлласин сизни, Камолиддин Мингбоев!

**А. ТУРСУНАЛИ**

АЖАБО!

**Уфа шаҳрида учар этик яратилибди. Ихтирочилар фикрича, бу этиклар қишлоқма-қишлоқ қатнайдиган почтачилар учун асқотади.**

# БОШИ ХАМ БЎЛГАН "ИДЕЯ"ЧИ

## Ёхуд сувсираган шолизор

GEF
Сув - тириклик манбаидир!

Яқинда Хоразмга борганимда отамни ташвишманд қиёфада кўрдим. Отам бутун умр меҳнат билан яшаган одам — бу йил яна ҳам бойигилари келибми, кенжа укам билан шоли экишни бошлаб юборишган экан. Шолининг сув билан боғлиқлиги хаёлимни олис мозийларга етаклади.

Хоразмда ҳамма замонларда сув эъзозланиб, улуғланиб келинган, баъзан шундай гапларни эшитиб қоламанки, ҳа, бу Амунинг лойли сувини ичган дея, бир одамнинг яхшилигини улуғлашади. Қадимдан ҳам бу юртнинг қисмати Орол денгизи ва Амударё билан боғлиқ бўлган, дарё атрофларида ҳаёт гуркираб ривожланган, ҳали Европа ўзлигини танимаган кунларда Хоразмнинг қадимий Ҳазорасп қалъасида нота билан куй ижро этилган. Халқнинг фожеавий қисматига баъзан дарё ҳам алоқадор бўлиб қолган, Чингизхон Амударёнинг тўғонини бузиб, Кўҳна Урганч сув остида қолиб, тараққиётдан юз йилларча орқада қолиб кетади. Лекин барибир халқнинг ўша қуёшдан, лойқа сувлардан, кенгликлардан, қум, саҳролардан озиқ олган руҳияти ўлмайди, яна ўзига суяниб қад ростлайверади.

Мен руҳият ҳақидаги сўзни бежизга эсламадим, ҳали бу сўзга қайтамиз.

Хуллас, ер олишиб, "ҳап" дея енгини шимариб, сув яхши чиқмайдиган ерга уруғ сепишибди. Бригадир ҳам ваъда бериб юборибди: "Экаверинг, насос қуриб бераман". Отамиз шолини экворган. Бугунги кунга келиб бригадир ваъдасини бажармаган, отамнинг ерларига сув чиқмай шолиси қуриб қолаёзган. Отам шундан ташвишманд экан. Лекин отамнинг бир одатлари бор эдики, ҳар қандай жиддий ҳолатни ҳам кулги билан юмшатишга ҳаракат қиладилар:

— Шолини қутқариш операцияси бўйича ҳам бирон бир идея берсанг-чи, — дея ҳам кулги, ҳам шубҳа аралаш жилмаярдилар.

Ҳаммамиз кулдик, гап шунда эдики, пойтахтда яшаётганим ёки ижодкорлигим учунми, мендан ҳам отамнинг "халқ хўжалиги учун" фойдали идеялар чиқиб турарди. Тўрт-беш йил олдин Қашқадарёга хизмат сафари билан борганимда, бир танишимнинг уйида ҳўкизларнинг тахта пол устида боқилаётганини кўриб, сиз ҳам шундай қилинг, деб отамни ҳоли-жонига қўймадим. Орадан беш-олти ой ўтиб идеям эсимдан ҳам чиқиб кетибди, бир куни отам телефон қилиб қолдилар: "Ҳей, идеячи, келиб ҳўкизларнинг товонини тўлаб кет, тахта полда ялпайиб ётган олти ҳўкиздан бештасининг оёғига туз йиғилиб юролмай қолди, ҳозир қассобга топшириб келяпман". Мен ҳам бўш келмасдан: "Идея зўр эди, ўзларингиз қишлоқилигингизга бориб эплолмагансизлар, ҳўкизларнинг ипини узунроқ қилиш керак эди", дедим. Отам: "Агар сенинг айтганингни тўла бажарганимизда, ҳўкизларга ҳатто кўрпача тўшаб берганимизда ҳам, қолганлари ҳам қия бўлиб кетарди", дедилар.

Отам шоли машмашаси билан ўша оламшумул идеяларимни эслатаётгандилар. Бу яна бирон идея айтиб балога қолмай дегандай, ўзлари гап бошладилар:

— Бизнинг шоли экишимиз жуда тарихий бўлди, сув кам бўлди, ҳали ҳеч қайда ҳеч гап йўқ, ҳар икки-уч кундан беш-ўн минг сўмга тушиб турибмиз.

— Нима бўлди, — дейман ичим ачиб, миямга зўр идеялар келмаётганидан куюниб.

— Шоли даласидаги қўшниларимиз машинамнинг балонини тўхтовсиз ёришади, шундай қилсак, чол безор бўлиб кетиб қолади деб ўйлашадими, менам бўш келмайман, бир кун пиёда, бир кун уловда шоли отизга етиб бораман, баъзан сувни пойлаб ўша ерда қолиб кетаман. Сизга нима зарил, Матёқуб ака, дейишади.

— Йўғ-э, шунчаликка боришдими?..

— Буниси ҳолва-ю, сув учун калла ёришга, бир-бирининг оёғини чопишга ҳам боришади. Энди ҳаммаси ҳам шундай эмас, бор бир-иккита ишёқмас ёш болалар...

Отамнинг бир оз кулгу билан ичидаги оғриқларини, аламларини юмшатишга уринаётганини ҳис этиб, юрагим жизиллади.

— Э, қайданам олдик шу шолини, — дейди укам Эргаш чуқур хўрсиниб.

Болалик давримда назаримда, қишлоқ бошқачароқ эди, кейинги даврларда кўп нарса ўзгариб кетгандай. Бозор иқтисодиёти...

Бир вақтлар мен учун идеал бўлган адабиёт муаллимамизнинг Тошкентга совун олиб келганини, пулларини ўғирлатиб саргардон бўлганини эшитиб йиғлагандим, аёллар сумка кўтариб турли хил тижорат учун йўлга чиқиб кетишди, қўшнилар олди-бердисининг асоси бўлган сут-қатиқ ҳам сотиладиган бўлибди, эҳ, бозор талаблари.

Моноқ қишлоғидаги минг йиллик қўшнилар сув учун ёқа бўғишади. Одамлар бир қадар шафқатсиз бўлиб кетишгандай, нега?..

Яна бозор талаблариими, уни оғриқсизроқ, инсоний туйғуларни унутмасдан ўтказиш учун нималар қилмоқ лозим, нима қилсак, онгимизда гизланиб ётган ёвузлик, бағритошлик, қораликлар уйғонмайди?! Унинг уйғонмаслиги инсоннинг илмига, дунёқарашига, тафаккурига, руҳиятига боғлиқмасмикин?!

Ривоят этишларича, дунё дарё-денгизларини бир қамчи билан бўйсундириб келаётган Сулаймон пайғамбар Амударёни юз қамчи урса-да, амрига бўйсунмаганмиш. Пайғамбар дарёни, Амударё асов дарё, телба дарё, деган экан. Ўша телба дарё яна тўлиб-тошиб ўзанидан ошиб оқар, буни кўҳна тарих кўп бора кўрган, лекин кундалик иш, тирикчилик учун дийдаси қотиб бораётган ҳамқишлоқлар, навқирон йигитлар бир кун келиб бу кунлар ҳақида ҳеч бўлмаса ўшанда жуда ғўр бўлганмиз деб ўйлармиканлар?

Отам яна куладилар: "Шу энди машинанинг балонини тешмасликларига қарши бир идея ўйлаб чиқарсанг", дейдилар... Фақат жуда қаттиқ кетма, яна машинанинг тўрт дигирчаги осмондан келмасин, дейдилар.

**Саломат ВАФО**

Ўзингни англаб ет!
ҲУРРИЯТ МУСТАҚИЛ ГАЗЕТА
26 июль - 1 август
30-(183)-сон

Муассис: Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси

Бош муҳаррир Хуршид ДЎСТМУҲАММАД

Таҳрир ҳайъати: Азамат ЗИЁ, Озод ШАРАФИДДИНОВ, Наим КАРИМОВ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Норали ОЧИЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Амирқул КАРИМОВ, Абдуқаюм ЙЎЛДОШЕВ.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 165-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими А-2.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Телефонлар: 133-69-45, 136-53-63

Индекс:
Якка обуначилар учун — 233 Ташкилотлар учун — 234

«Шарқ» нашриёт- матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Зокиржон АЛИБЕКОВ
Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 18.00
Буюртма — 1 - 645

*Муаллиф фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга юборилган мактуб ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.*

Hurriyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: Sh.SAYDALIYEV

